

Билганингизга амал қилдингизми?



08:33 / 09.08.2020 1053

Шофеъий мазҳаби фақиҳларидан бўлган Абул Аббос ибн Сурайж ўлими олдидан бемор бўлиб ётганида туш кўрди. Тушида Қиёмат қоим бўлиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло: «Уламолар қани?» деб сўрабди. Уларни келтиришибди. Улар орасида Ибн Сурайж ҳам бор экан. Аллоҳ таоло уларга: «**Билганларингдан нимага амал қилдингиз?**» деб сўрабди. Улар: «Роббимиз, биз камчиликка йўл қўйдик, гуноҳкор бўлдик», дейишибди. Аллоҳ таоло бу жавобдан рози бўлмаган маънода бошқа жавобни кутиб, саволни яна қайта сўрабди. Шунда Ибн Сурайж: «Менинг амал дафтаримда ширк йўқ. Ахир Сен ширкдан бошқа гуноҳларни кечиришга ваъда бергансан», деб жавоб берди. Шунда Аллоҳ таоло: «Боринглар, сизларни мағфират қилдим», дебди.

Ибн Сурайж раҳимаҳуллоҳ ушбу воқеадан уч кун ўтиб вафот этди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан